

2020

ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN THE WORK OF “KYSASI RABGHUZI”

Dilfuza Sagdullaeva

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, d.sagdullaeva@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Arabic Language and Literature Commons](#), [Arabic Studies Commons](#), and the [Classical Literature and Philology Commons](#)

Recommended Citation

Sagdullaeva, Dilfuza (2020) "ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN THE WORK OF “KYSASI RABGHUZI”," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Dilfuza SAGDULLAEVA,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN, PhD researcher of the Classical oriental
 literature and source study.*
dilfuzasagdullaeva1982@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

**“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДАГИ
 АРАБИЙ БИРИКМАЛАРНИНГ
 СИНТАКТИК ТАҲЛИЛИ**

**СИНТАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АРАБСКИХ
 СЛОВСОЧЕТАНИЙ В ПРОИЗВЕДЕНИИ
 «КЫСАСИ РАБҒУЗИ»**

**ANALYSIS OF ARABIC COLLOCATION IN
 THE WORK OF “KYSASI RABGHUZI”**

Таянч иборалар: *арабий бирикмалар, синтактик таҳлил, изофа, форсий изофа, туркий изофа, мослашган аниқловчи, конструкция, лексик бирликлар, категория, аниқланмиш.*

Ключевые слова: *арабские словосочетания, синтаксический анализ, изафет, персидский изафет, тюркский изафет, согласованное определение, конструкция, лексические единицы, категория, определяемое слово.*

Key words: *arabic collocation, syntactic analysis, izafa construction, persian izafa construction, turkic izafa construction, phrases with an adjective definition, construction, lexical units, category, definable word.*

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади. Мана шундай маданий бойликларимиздан бири буюк аждодимиз Носирулдин Рабғузийнинг бизгача етиб келган ягона асари – “Қисаси Рабғузий”дир. Мазкур асар Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида “Қисасу-л-анбиё” номи билан машҳур бўлиб, асарлар давомида китобхонлар томонидан севиб ўқилган, бахши ва оқинлар томонидан севиб қуйланган асарлардан бири ҳисобланади (*Rabg‘uziy N.B., 1990:6*). “Қисаси Рабғузий” асари исломий манбалар асосида яратилганлиги боис, асарда кўплаб арабий ўзлашмалар қўлланган.

Асардаги арабча сўз ва бирикмаларнинг ясашиш усули ҳамда уларнинг туркий тилдаги мақоми аниқлаш ўзбек тилшунослиги ва арабшунослиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мақолада ислом манбалари асосида илк бор туркий тилда яратилган ўзбек мумтоз адабиёти намунаси ҳисобланган “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабий бирикмалар синтактик тадқиқи араб тилшунослиги нуқтаи назаридан илк бор таҳлил қилинган. Асарда кўплаб арабий ўзлашмалар қўлланган бўлиб, улар сўз ҳамда сўз бирикмаларидан ташкил топган. Асардаги арабча бирикмаларнинг ясашиш усули ҳамда уларнинг туркий тилдаги мақомини аниқлаш ўзбек тилшунослиги ва арабшунослиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг луғат таркибида синтактик усул билан кўп миқдорда бирикма шаклидаги луғавий бирликлар ясалади ва сўз яшашнинг бу усули энг сермахсул бўлганлиги боис, ҳар қандай соҳада бирикма сўзлар сони бошқаларига нисбатан салмоғи жиҳатидан биринчи ўринда туради. Мазкур мақолада “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабий бирикмалар соф арабий бирикмалар – араб тилининг грамматик-синтактик белгилари сақланган ҳолда қўлланган бирикмалар (мослашган аниқловчили бирикмалар, изофа шаклидаги бирикмалар, эгалик олмошлари билан қўлланган бирикмалар, икки сўзнинг изофа бўлмаган бирикувидан ҳосил бўлган бирикмалар, изофа занжири воситасида ҳосил бўлган бирикмалар ва изоҳловчи); форсий изофа ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалар; туркий синтактик элементлар ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалар (битишув орқали ҳосил бўлган бирикмалар, туркий изофанинг белгили ёки белгисиз шакли орқали ҳосил бўлган бирикмалар); арабий, форсий ёки туркий элементлар ёрдамида ҳосил бўлган изофа занжирли бирикмалар тарзида тасниф қилиниб, синтактик таҳлили амалга оширилди.

В этой статье сделан синтаксический анализ арабских словосочетаний, использованных в произведении «Кысасы Рабгузи», впервые написанном на тюркском языке на основе исламских источников в XIII-XIV веках на территории Хорезма, который представляет собой яркий пример узбекской классической литературы. В данном произведении используется ряд слов арабского происхождения в виде отдельных слов или словосочетаний. Определение методов формирования арабских словосочетаний и их статуса в тюркском языке имеет большое значение при изучении истории узбекского и арабского языкознания. В результате исследования были выявлены и проанализированы четыре группы арабских заимствований, приведенных в произведении как структурно неизменяемые арабские словосочетания – то есть словосочетания, используемые с сохранением грамматических и синтаксических знаков арабского языка (словосочетания с согласованным определением, словосочетания с изафетным сочетанием, словосочетания со слитными местоимениями, составные словосочетания, воспринимающиеся как одно слово, словосочетания с изафетными цепями и приложение), словосочетания, составленные с помощью персидского изафета; словосочетания, составленные с помощью тюркских синтаксических элементов; словосочетания с изафетными цепями, составленные с помощью арабских, персидских и тюркских слов.

This article is the first analysis of the syntactic study of the Arabic compounds used in the book “Qisasi Rabghuzi”, which is the first example of Uzbek classical literature written in Turkish language and based on Islamic sources. The book uses several Arabic compounds and consists of words and phrases. The method of making Arabic compounds in the work and the determination of their status in the Turkic language is important in studying the history of Uzbek linguistics and Arabic studies. In the vocabulary of the language, many syntactic vocabulary units are formed, and because this method of word-formation is the most efficient one, the number of compound words in any field is the highest in comparison. In this article, the Arabic compounds used in the book “Qisasi Rabghuzi” are pure Arabic compounds - compounds used with the preservation of grammatical and syntactic signs of Arabic (personalized compounds, compounds used with idafah (genitive construction), compounds used with possessive pronouns, compounds formed from the nonlinear combination of two words, compounds formed by idafah chain and a definition expressed by a noun consistent with the defined word); compounds formed by the Persian isolation; compounds formed by Turkic syntactic elements (compounds formed by adhesion, compounds formed by the symbolic or non-symbolic form of the Turkish isoform); The isolation produced by the Arabic, Persian or Turkic elements was classified as a chain link and syntactic analysis was performed.

“Қисаси Рабғузий” асари тилида жами 5511 та лексема ишлатилган бўлиб, шундан 2151 тасини арабча сўзлар ташкил этади. Асарда қўлланилган арабча лексемалар сони жиҳатдан туркий лексемалардан кейин иккинчи ўринда туради (*Abdushukurov B., 2008: 7*). “Қисаси Рабғузий” асарида соф арабча сўзлар билан бир қаторда арабий бирикмалар ҳам салмоқли даражада қўлланган. Сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришуви масаласи тилшуносларнинг бугунги кундаги эмас, балки азалдан қизиқтириб келган масала ҳисобланади. Рус тилшунослигида мазкур масаланинг ўрганилиш тарихий илдизи чуқур бўлиб, унинг асосчиларидан бири М.В.Ломоносовдир. М.В.Ломоносовнинг 1757 йилга оид “Россия грамматикаси” асарида: “Фикримизнинг ифода этилиши учун мустақил

сўзлар бири иккинчиси билан муносабатга киришади” дея таъкидлаб, синтаксиснинг асосий вазифаси сўз туркумларининг ўзаро алоқага киришишини ўрганишдан иборат эканлиги ҳақида тўғри таъриф берган эди (*Chetin M., 2011:7-8*).

Маълумки, тилнинг луғат таркибида синтактик усул билан кўп миқдорда бирикма шаклидаги луғавий бирликлар ясалади ва сўз яшашнинг бу усули энг сермахсул бўлганлиги боис, ҳар қандай соҳада бирикма сўзлар сони бошқаларига нисбатан салмоғи жиҳатидан биринчи ўринда туради (*Isaqova Z.M., 2010:128*). Икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг грамматик-семантик муносабатидан ташкил топиб, бир мураккаб тушунча (предмет, ҳаракат, ҳолат, белги тушунчаси) англатадиган номинатив характердаги очиқ конструкциялар сўз бирикмала-

ри дейилади (*Abdurahmonov G.*, 1979:5). Бирикмалар юзасидан ўзбек тилшунослари томонидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган (*Chetin M. 2011: 146; Xayrullaev X.Z., 2001:118; Mayzel S., 1957:185; Yusupov M. 1983:51*). Жумладан, М.Омонов изофий бирикмаларнинг транслитерацияси масалаларига бағишланган мақоласида ўзбек тилшунослигида арабча изофали бирикмаларга нисбатан тожикча изофали бирикмалар чуқурроқ ўрганилганлиги ҳақида маълумот беради (Омонов М., library.ziyounet.uz). Ф.Абдуллаев, Э.Бегматовлар арабча изофали бирикмалар масаласига қисман тўхталган бўлсалар (*Abdullaev F., 1974; Begmatov E., 1985:19*), Д.Ҳакимов ўзбек тили лексикасидаги изофий бирикмалар тизимига бағишланган мақоласида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча изофалар ва уларнинг имлоси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини атрофлича баён қилган (*Hakimov D., 2004:63-65*). М.Юсупов эса А.Навоийнинг насрий асарларидаги изофали конструкциялар типларига оид номзодлик диссертациясининг учинчи бобини арабий изофа тадқиқига бағишлаган (*Yusupov M., 1983:51*).

Арабий изофалар мумтоз туркий манбалар, жумладан “Қисаси Рабғузий”да ҳам қўлланган бўлиб, уларни куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Соф арабий бирикмалар – араб тилининг синтактик белгилари сақланган ҳолда қўлланган бирикмалар. Буларга мослашган аниқловчили бирикмалар, изофа шаклидаги бирикмалар, эгалик олмошлари билан қўлланган бирикмалар, икки сўзнинг изофа бўлмаган бирикувидан ҳосил бўлган бирикмалар, изофа занжири воситасида ҳосил бўлган бирикмалар ва изоҳловчи киради.

2. Форсий изофа ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалар.

3. Туркий синтактик элементлар ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалар. Буларга битишув орқали ҳосил бўлган бирикмалар, туркий изофанинг белгилари ёки белгисиз шакли орқали ҳосил бўлган бирикмалар киради.

4. Арабий, форсий ёки туркий элементлар ёрдамида ҳосил бўлган изофа занжирли бирикмалар.

1. Соф арабий бирикмалар. Бошқа тиллардаги каби араб тилида ҳам икки ёки ундан ортиқ сўз ўзаро мослашиб ёки бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилинади. Араб тилида сўз мослашиб боғланган бирикмани мослашган аниқловчили бирикма, бирикув усулида боғланган бирикма эса изофа бирикмаси ёки мослашмаган аниқловчи деб аталади (*Grande V.M., 2001:592*). Бошқача айтадиган бўлсак, мослашган аниқловчи предметнинг белги ва хусусиятини англатувчи сифатловчи аниқловчи; изофа эса – қараткичли аниқловчидир.

Мослашган аниқловчили бирикмалар. Араб тилида мослашган аниқловчи предметнинг бел-

гисини билдирувчи сифатловчи аниқловчидир. Мослашган аниқловчи кўпинча аслий ёки нисбий сифат, тартиб сонлар, аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлари, кўрсатиш олмошлари билан ифодаланади. Агар мослашган аниқловчи сифат, тартиб сон, сифатдош билан ифодаланган бўлса, аниқланмишдан кейин келади ва у билан тўрт жиҳатда (жинсда, сонда, келишиқда, ҳолатда) мослашади (*Ibrohimov N., Yusupov M., 1997:44-45*). Бундай аниқловчиларнинг аслий ва нисбий сифатлар билан ифодаланганлари мазмун жиҳатдан туркий тиллардаги сифатловчи аниқловчига тўғри келади.

Тадқиқот жараёнида “Қисаси Рабғузий” асарига мослашган аниқловчи шаклидаги жами 11 та бирикма мавжудлиги аниқланди. Дастлабки бирикма **رَحِيمِ** 37v19 (меҳрибон ота) бўлиб, мазкур бирикма асарда куйидаги тарзда келтирилади: “*Иброҳим ва Абраҳам ва Иброҳам бу қамуз лугатлар дуруст турур. Яъни абун роҳимун бағирсоқ ота турур*”. (*Иброҳим ва Абраҳам ва Иброҳим – бу барча сўзларнинг қўлланилиши дуруст. Яъни, абун роҳимун меҳрибон ота демақдир.*) “**أَب**” сўзи - аниқланмиш, “**رَحِيم**” сўзи аниқловчи вазифасини бажармоқда. Аниқланмиш ва аниқловчи араб тили грамматик қоидаларига муносиб равишда жинс, сон, келишиқ ва ҳолатда тўлиқ мослашган. Ноаниқ ҳолатни ифодаловчи “танвин”лар ҳам қўлламада келтирилган. Демак, мазкур арабча бирикма ўзлашма сифатида эмас, балки жумладаги “Иброҳим” сўзининг маъносини таърифлаш мақсадида қўлланган. Манбада келтирилган “танвинлар” (келишиқ ва ноаниқ ҳолат белгиси) эса арабий бирикманинг асл грамматик ҳолатидан дарак беради.

جبرائيل الأمين 52r5 (ишончли Жаброил) бирикмасидаги **جبرائيل** “**جبرائيل**” сўзи аниқланмиш, “**الأمين**” сўзи сифатловчи аниқловчи бўлиб, ҳар икки компонент юқорида таъкидланган тўрт ҳолатда мослашган. Араб тили грамматик қоидаларига муносиб равишда аниқ ҳолатнинг белгиси сифатида “**ال**” аниқлик артикли қўлланилган.

عمر الفاروق 199v19 (донишманд Умар) бирикмасидаги биринчи компонент “**عمر**” аниқланмиш, “**الفاروق**” аниқ ҳолатдаги сифатловчи аниқловчидир. Мазкур бирикмада сифатловчи аниқловчи аслий сифат билан ифодаланган.

رب الجليل 218r19 (буюк тангри, парвардигор) бирикмасидаги биринчи компонент “**رب**” сўзи “**الجليل**” аслий сифати орқали аниқланган. Юқорида келтирилган мослашган аниқловчили бирикмаларда аниқловчи вазифасини асосан “**رَحِيم**”, “**أَمِين**”, “**جَلِيل**” сингари аслий сифатлар бажарган бўлса, **علي الأكبر** 247v3 (катта Али), **علي الأصغر** 247v3 (кичик Али), **بدر الصغرى** (*Islom entsiklopediya, 2017:87*) 224r21 (кичик Бадр) бирикмаларининг аниқловчилари “**أكبر**”, “**أصغر**” ва “**صغرى**” каби орттирма дара-

жа сифатлари билан ифодаланган. Шунингдек, البيت المعمور (обод уй (ANATIL, 1983:197) бирикмаси Аттур сурасининг 4-оятда “وَأَلْبَيْتِ الْمَعْمُورِ” (Ва обод уй билан қасам... (Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, 2011:523)) тарзида келтирилади. Асарнинг бир неча ерида бу бирикма بيت المعمور 25v5, 25v4 тарзида аниқланмишнинг грамматик белгиси ҳисобланган “ال” артиклисиз қўлланган. Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” асарида ҳам мазкур бирикманинг аниқланмиши грамматик белгисиз қўлланган.

Манга дайр ўлди чу байтул-маъмур,

Дайр пириға бўлубман маъмур (ANATIL, 1983:197).

Худди шундай бирикмалардан яна бири الخبز الحواري 171v5 (оқ нон) бирикмаси асарда куйидаги тарзда келтирилади: “...**Оқ этмакка хўбу-зу-л-хаварий теюрлар, хур оқ темек бўлур, ужмоҳ хурларига бадани оқлиқлари учун хур атадилар**”. Аниқловчи вазифасида келатган “الحواري” сўзи нисбий сифат билан ифодаланган. Аммо асарда араб тили қонуниятларига зид равишда, аниқланмиш ҳисобланган “خبز” сўзи “ال” аниқлик артиклисиз خبز الحواري тарзида қўлланган.

المشعر الحرام 189v4 бирикмаси Бақара сурасининг 198-оятда: “فَاذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ...” (...Аллоҳни Маъбарул Ҳаромда зикр қилинг (Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, 2011:31)) келтирилган. Мазкур бирикма “Тарих-и Муҳаммадий” асарида: “...Муздалифа эса Арафот билан Мино орасидаги бир машҳур жойдур. Куръонда уни **Маъбарул Ҳаром** атайдурлар. Арафотдан қайтганда ҳожилар шу жойда Худони ёд қилиб бир кеча ётишлари вожибдир (Sog'uniy A., 2007:608-609)” тарзида келтирилган. Асарда қўлланган мазкур бирикманинг аниқланмиши ҳам грамматик белгисиз “مشعر الحرام” тарзида қўлланган.

Асарда المسجد الأقصى 209v16 (энг узоқ масжид) бирикмасининг аниқланмиши ҳам юқоридаги бирикмалар қатори грамматик белгисиз المسجد الأقصى шаклида қўлланган. Демак, بيت المعمور, خبز الحواري, مشعر الحرام ва المسجد الأقصى бирикмаларидаги “ال” аниқлик артикли туркий тилга ўзлашиш жараёнида тушириб қолдирилган.

Изофа шаклидаги бирикмалар. “Қисаси Рабгузий” асарида изофа шаклида қўлланган бирикмалар сифатловчи аниқловчи шаклидаги бирикмаларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. 3. Исақова ўзининг тадқиқотида изофа ҳақидаги куйидаги фикрларни билдиради. Изофа – арабча “қўшиш, боғлаш, бирлаштириш” маъноларини ифодалаб, аниқланмиш билан келган аниқловчини боғлайдиган урғусиз боғловчи элемент ҳисобланади. Изофий бирикма ва изофа кўрсаткичи ўзбек тилида “изофа” деб юритилади. Изофа мустақил маънога

эга бўлган икки ва ундан ортиқ лексик бирликдан ташкил топишига кўра, сўз бирикмасига, ана шу бириклар ўзаро бирикиб, янги луғавий маъно ифодалаши ва гапда бир синтактик вазифада келишига кўра, қўшма сўзларга ўхшаб кетади. Шу ўхшашлик туфайли баъзи бир қўлланмаларда изофалар қўшма сўз сифатида талкин қилинган (Isaqova Z.M., 2010:101-110). Араб тилида бир отни бошқа бир отга ҳеч бир воситасиз бириктириб ҳосил қилинган бирикмага изофа бирикмаси –الإضافة дейилади. Изофа икки отнинг аниқловчилик муносабатига киришувидир. Бундай аниқловчилар мазмунан туркий тиллардаги қаратқич аниқловчига тўғри келади. Араб тилида изофа бирикмасида биринчи от “مُضَافٌ” (ўзбек тилида “аниқланмиш” ёки “қаралмиш”) иккинчи отга тобеъ бўлиб, уни қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Иккинчи от “مُضَافٌ إِلَيْهِ” (“қаратқич аниқловчи” ёки “қаратқич”) эса биринчи отни (кимга ёки нимага тегишлилигини) аниқлаб келади.

Асарда изофа шаклида қўлланган бирикмаларни куйидаги тарзда таснифлаштиришимиз мумкин:

1. Атокли отлар (антропоним, астропоним, фитоним, лимнонимика, топоним ва ҳк.)

2. Диний мавзудаги изофий бирикмалар

3. Маиший, сиёсий ва иқтисодий мавзудаги изофий бирикмалар

Изофа шаклида ҳосил бўлган атокли отлар тадқиқ этилаётган асарда салмоқли микдорда қўлланган. Жумладан, асарда ناصر الدين 2v2 (дин тарафдори), ذو القرنين 15v1 (мадақдорнинг қули), عبد المغيث 37v21 (икки шохли), ذو العرش 45r9 (тахт эгаси), عبد المطلب 50r2, اسرائيل الله 16v13 (Аллоҳнинг қули), صفى الله 16v13 (Аллоҳнинг пок қули), خليل الله 16v13 (Аллоҳнинг дўсти), ذا النون 156v3 (балиқ соҳиби – Юнус алайҳи-с-саломга берилган лақаб (Qoraev T., Vohidov R., 1978:229), ذبيح الله 53v19 (Аллоҳнинг қурбони) каби киши номлари қўлланган. Шунингдек, асарда “كنية” (куня) - ота ёки она, ўғил ёки қиз номи билан боғлиқ ҳолда ишлатиладиган арабий ном (Grande B.M., 2001:105) воситасида ҳосил бўлган изофа шаклидаги антропонимлар салмоқли даражада учради. عمر, أبو الوهاب 36r18 (Ваҳҳобнинг отаси), سعد بن عبد 247r14 (Холиднинг ўғли Умар), الله 247r16 (Абдуллоҳнинг ўғли Саъд), أم كلثوم 198r19 (Кулсумнинг онаси), سودة بنت رمعه 198r21 (Ромиъа кизи Савдо), عائشة بنت أبو بكر 98r21 (Абу Бакр кизи Оиша), حفصة بنت عمر ابن الخطاب 198v1 (Хаттоб ўғли Умарнинг қизи Ҳафса), أم حبيبة بنت أبي سفيان 198v1 (Абу Суфённинг қизи Ҳабибанинг онаси) каби мураккаб антропонимлар шулар жумласидандир. Шунингдек, асарда ذو العمودان 67v5, ذو الفرع 67v5, شقائق النعمان 67v5 каби астропонимлар; حب الاخير 71r5 (яхшиларнинг муҳаббати) каби лимнонимика (қудук номи)

(*Begmatov E., 1985:19*); عينُ الحيتان 74v8 (катта балик кўзи) каби зооним; بيت الأحران 79r18 (қайғу уйи, ғам-хона), مسجد الحرام, ذرعة الجنادل 177v8 (Жандал қояси), بيت المقدس 13v2 (муқаддас уй) (*Islom entsiklopediya, 2017:89*) – “*Байту-л-мақ-дус*” ёки “*Байту-л-муқаддас*” каби топонимлар, قرية الثمانين 27r12 (саксон кишилиқ қишлоқ) каби полисоним ва إحسان البيان 82r12 - (баён қилишнинг аъло усули), عصمة الأولياء 135v10 (Авлиёлар поклиги) каби асар номлари қўлланган.

Асардаги баъзи киши номлари ўзида араб тили грамматик хусусиятларини сақлаган ҳолда ўзлашган. Араб наҳвига кўра, мурожаат юкламаси “يا” - “йаа”дан кейин келаётган сўз “насб” ҳолати яъни, тушум келишигида туриши зарур. Асарда *يا أبا الحكم* 219v15 (Эй, Абу-л-Ҳикам) – *Йаа Аба-л-Ҳикам* бирикмасидаги биринчи компонент “абу” сўзи “аба” тарзида қўлланган. Бу эса мазкур бирикманинг “يا” - “йаа” мурожаат юкламаси билан биргаликда араб тилида қўлланган шакли асарда ўзгаришга учрамай қўлланганидан дарак беради. Шунингдек, яна бир ҳолат. Араб наҳвига кўра, сўзлар қараткич келишиги - “жар” ҳолатида туриши учун ё олд кўмакчидан кейин, ёки изофанинг иккинчи компоненти бўлиши керак. Аммо *ذي النورين* 201r12 (икки нур соҳиби) бирикмасидаги биринчи компонент олд кўмакчисиз қараткич келишигида ўзлашган. Асардаги атоқли отларнинг аксарияти *الله* - “Аллоҳ”, “نو” (эгаси, соҳиби) - “Зу”, “عبد” (қул) – “Абд” ва أب (ота) – “Абу” сўзлари иштирокида изофа ҳосил қилган.

Диний мавзудаги изофа бирикмалари асарнинг асосини ташкил этади. Асарда изофа шаклида ҳосил бўлган *سورة البقرة* 13v2, *سورة الانعام* 66r15, *سورة الاحلاص* 66r19, *آية الكرسي* 218v6, *سورة المعاودتين* 66r18, *العصر* 66r18 каби оят ва сура номлари қўлланган. “الله” сўзи билан ясалган куйидаги изофий бирикмаларни учратиш мумкин: *هبة الله* 17v18 (Аллоҳнинг ҳадияси), *رسول الله* 81r9 (Аллоҳнинг расули), *ابن الله* 170r1 (Аллоҳнинг ўғли), *روح الله* 170r1 (Аллоҳнинг руҳи), *كلام الله* 187v19 (Аллоҳнинг каломи), *نبي الله* 55r8 (Аллоҳнинг набийси), *مناجات الله* 188v4 (Аллоҳ билан хуфия суҳбат), *حبل الله* 18v7 (Аллоҳнинг арқони). *حبل الله* бирикмаси Оли Имрон сурасининг 103 – оятида келтирилади: “وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا” (Бас, Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг (*Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, 2011:523*). Асарда мазкур бирикма куйидаги тарзда келтирилган: “...*Яна сўрди , бу не?- тен турур. Айди: Бу ҳаблуллоҳ турур*”. Шунингдек, асарда *قصة الأنبياء* 2v/17 (анбиёлар қиссаси), *الاستقامة* 81v6 (ҳалоллик қозиги), *صادق الوعد* 47v14 (ваъдага содик), *بناء الكعبة* 25v1 (Каъбани бино қилиш), *بيت الرسالة* 77v18 (хабарлар уйи), *ذو الحجة* 120v3 (*Islom*

entsiklopediya, 2017:190), *نعم العيد* 137r12 (қуллик неъмат), *أصحاب الكهف* 176r21 (Ғор эгалари), *أصحاب الفيل* 179v11 (Фил эгалари), *آخر النبي* 181v1 (сўнгги набий), *معز الدين* 197r8 (дин даъватчиси). Шунинг таъкидлаш жоизки, *معز الدين* - “*Муъаззу-д-дин*” бирикмаси кўлэзмада форсий ёки туркий синтактик элементлар воситасида талқин этилмаслиги учун диакретик белгилар билан кўчирилган. *ربيع الأول* 238r14 (*Islom entsiklopediya, 2017:379*), *قبر العروسين* 224r17 (келин-куёв қабри), *لوح المحفوظ* 7v20 (*Islom entsiklopediya, 2017:271*) *صفت السماوات* 3v10 (осмонлар сифати), *مَلِكُ الموت* 20r5 (ўлим фариштаси), *سفي الدنيا و الآخرة* 51r18 (замоннинг охири), *آخر الزمان* (дунё ва охиратни тўзғитиш) 63v9, *رب العالمين* 113r6 (Оламлар роббиси), *قايض الأرواح* 236v4 (жон олувчи), *معراج النبي* 208v3 (набийнинг кўтарилиши), *سدره المنتهى* 209r5 (Арши аълонинг ўнг тарафидаги хушбўй гул (*An-naum, 2003:366*), тугаш дарахти), *مالك الملوك* 238r4 (мулклар соҳиби) изофий бирикмалари қўлланган.

Маиший, сиёсий ва иқтисодий мавзудаги изофий бирикмаларга *ريح الصبا* (тонг шаббодаси) 77v2, *أضغاث الاحلام* 89v6 (узук-юлуқ тушлар), *أحسن أمير المؤمنين* 66r4 (қиссаларнинг энг яхшиси), *بيت المال* 238v14 (молмулк уйи: ислом мамлакатларида давлатга тегишли мулк (*An-naum, 2003:90*), *عام الحديبية* 221r6 (Худойбийя йили), *عمرة القضاء* 221r6 (қазо умраси), *حج الوداع* 221r8 (видолашув ҳажи), *ذو الفقار* 223r10 (тешиб ўтувчи, ўткир) (*Islom entsiklopediya, 2017:190*) – “*Зу-л-фақор*” каби бирикмаларни келтириш мумкин. Асарда сиёсий мавзудаги арабий бирикмалар кўп қўлланган.

Эгалик олмошлари билан қўлланган бирикмалар. Асарда арабча бирикма олмошлар билан қўлланган сўзлар ҳам учрайди. Бирикма олмошлар у ёки бу сўздан кейин келиб, шу сўзга қўшилиб ёзилади. Улар одатда эгаликни билдиради ва ўзбек тилида эгалик аффикслари бажарган вазифани бажаради. Бирикма олмошлари қўшилиб келган отларни изофа сифатида тасаввур қилиш керак. Бунда от музоф – биринчи компонент, бирикиб келган олмош эса музоф илайҳи-иккинчи компонент вазифасини бажаради (*Ibrohimov N., Yusupov M., 1997:67*). Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бирикма олмошлари қўшилиб келган сўзлар тадқиқотда бирикмалар тарзида талқин этилиб, мазкур фаслда таҳлил қилинди. “Қисаси Рабғузий” асарида эгалик олмоши билан қўлланган учта бирикма аниқланди.

أخاهم 31v11 (уларнинг биродарини) – “*ах_аҳум*” бирикмаси “*ах*” (ака, биродар) сўзига “*ҳум*” (уларнинг) бирикма олмоши қўшилиши натижа-сида ҳосил бўлган, яъни “*ах+а_аҳум*”. Араб тили грамматик қоидаларига биноан, биринчи компо-

нентнинг келишик қўшимчаси бирикма олмошдан олдинги қўшимча билан ифодаланади. “Ахҳум” бирикмасининг биринчи компоненти тушум келишигини ифодаловчи белги “фатҳа”- “а” билан ифодаланган. Асарда мазкур бирикма куйидаги жумлада қўлланган: *وَالِي تُمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا* (Ва Самудга биродарлари Солиҳни (юбордик) (*Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf, 2011:228*)) *Солиҳ уларнинг уругиндан учун ахҳум тею ёрлиқади...* Кўриниб турганидек, Рабғузий Худ сурасининг 61-оятига изоҳ бериш жараёнида туркий жумла таркибида “а-хҳум” бирикмасини қўллайди. Бу бирикма оятда тушум келишигининг белгиси “фатҳа”- “а” билан келганлиги боис, туркий жумла таркибида ҳам шу тарзда қўлланган. Лекин тушум келишиги белгиси “фатҳа”- “а” туркий жумлада грамматик категория сифатида кучга эга эмас.

Асарда биринчи шахс бирлик олмоши билан ҳосил бўлган *يَتَمَّ* 184v5 (менинг умматим) ва *اي خ* 182v1 (эй менинг биродарим, иним) бирикмалари туркий жумлада ўзлашма сифатида қўлланган.

Икки сўзнинг изофа бўлмаган бирикувидан ҳосил бўлган бирикмалар. Бундай бирикмаларни асосан атоқли отлар ташкил этади. Асарда *محمد إسحاق 194v8- Муҳаммад Исҳок, جعفر طيار 232v1- Жаъфар Тайёр, مالك ذعر 71v4 - Малик Заър* каби синтактик белгиларсиз ҳосил бўлган бирикмалар аниқланди. Араб тилида изофа бирикмасининг иккинчи бўлагини унинг кетидан қаратқич келишигида келаётган учинчи бўлак аниқлаб келиши, учинчи бўлакни эса унинг кетидан қаратқич келишигида келаётган тўртинчи бўлак аниқлаб келиши мумкин ва ҳоказо. Шу тариқа қаратқич келишигидаги мослашмаган аниқловчиларнинг изофа занжири ҳосил бўлади. “*ال*” артиклини фақат уларнинг охирида келаётган от олиши мумкин, ундан аввал келаётган барча отлар “*ال*” артиклини ҳам, танвин ҳам олмайди ва қаратқич келишигида келади. Изофа занжиридаги биринчи от эса гапдаги ўрнига қараб уч келишикдан бирида келади. Асарда изофа занжири орқали ифодаланган куйидаги бирикмалар аниқланди: *آل عبد المناف 186v1* (буюк зот қулининг оиласи) - “*Длу Абди-л-Маннаф*”, *مكمل عدة الاربعة 197r9* (тўлиқ миқдори қирқ (киши)) - “*мукаммал-у-иъддати-л-арбаъин*” - мазкур бирикма асарда куйидаги тарзда келтирилади: “*Ўтуз тўқуз эрди исломга кирганлар Умар розиёллоху анху бирла тамом қирқ бўлдилар, анинг учун алқобинда “мукаммал-у-иъддати-л-арбаъин” теюрлар.*

Арабий изоҳловчили бирикмалар. Изоҳловчи аниқловчининг бир тури бўлиб, отга бошқа бир ном бериш билан уни аниқлаб келади. Араб тилида мансаб, қариндош-уруғлик муносабати, касб-хунарни англатувчи изоҳловчилар изоҳланмишдан олдин аниқ ҳолатда ва изоҳланмиш билан жинсда ва ке-

лишикда мослашган ҳолда қўлланилади (*Ibrohimov N., Yusupov M., 1997:350*). Асарда *إمام أبو الحسن 70r17, شيخ بصري 71r11, ملك ريان 75v19, امام محمد 82v11/82v13* сингари изоҳловчили бирикмалар қўлланилган бўлиб, *إمام, شيخ, ملك* каби изоҳловчиларнинг аниқлик артикли туркий тилга ўзлашиш жараёнида тушириб қолдирилган.

2. Форсий изофа орқали ҳосил бўлган бирикмалар. Араб тилидан фаркли равишда форс тилида аниқловчи билан аниқланмиш ёки қаратқич билан қаралмиш изофа, деб аталувчи урғусиз “э” товуши орқали боғланади (*Abdusamatov M., 1977:77*). Форс тили изофий бирикмасида сўзлар тартиби араб тилида изофий бирикма тартиби сингари бўлиб, аввал қаралмиш, сўнг қаратқичли аниқловчи келади. Асарда форсий изофа ёрдамида ҳосил бўлган бир қатор бирикмалар қўлланган. Форсий изофа ёрдамида ҳосил бўлган бирикмаларнинг уч тури аниқланди. Улар куйидагилар:

Арабий сўзлар иштирокидаги бирикмалар. Фақат арабий сўзлар иштирокида ҳосил бўлган бирикмаларнинг 5 та конструкцияси аниқланди. **Арабча от + арабча от** конструкциясидаги *қисса-и Яъқуб 61v1, улувв-и олам 66v2, манжаниқ-и Иброҳим 66v19, хур-и айн 68v7, ҳавф-и ваҳшат 68v21, бадал-и бароъат 79v19, ташидид-и муболагат 86r17, имом-и Миср 87r117, ҳукм-и қазо 88v13, фазл-и қарами 89r13, айём-и ажсуз 30v4, байъ-и Ҳалил 77v8, ҳаққ-и ҳурмати 89r7; арабча от + арабча сифат ёки сифатдош конструкциясидаги *Одам-и софий 64r4, китоб-и қадим 65v18, Уъмлоқ-и лаъийн 63v9, Қуръон-и азим 65v18, олам-и суфлий 66v13, Юсуф-и сиддиқ 67r5, Иброҳим-и ҳалил 71r14, Жаброил-и амин 78r12; арабча сифат ёки сифатдош + арабча от* конструкциясидаги *аҳсан-и қисса 65v20, охир-и умр, азиз-и Миср 76r3, охир-и вақт 65v5; арабча сифатдош + сифат* конструкциясидаги *мунаввар-и қарийм 65v18; арабча олмош + арабча от* конструкциясидаги *баъз-и ривоят 73v1* каби бирикмалар аниқланди.*

Арабча ва туркий сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган бирикмалар. Арабча от + туркий сўз конструкциясида *луълуъи лолалари 65v9, замҳари қиш* (қаҳратон қиш) 68r18 ва **арабча сифат ёки сифатдош + туркий сўздан** ҳосил бўлган *охири туш 66r11* бирикмалари аниқланди.

Арабча ва форсий сўзлар иштирокида ҳосил бўлиб, туркийга ўзлашган **арабча от + форсий от** конструкциясидаги *ҳаққ-и рост 72v6* каби бирикмалар қўлланган.

3. Туркий синтактик элементлар ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалар. Бу бирикмаларга битишув орқали ҳосил бўлган бирикмалар, туркий изофанинг белгили ёки белгисиз шакли орқали ҳосил бўлган бирикмалар қиради.

Тадқиқот манбасида **битишув йўли** билан ҳосил бўлган бирикмаларнинг қуйидаги конструкциялари аниқланди. **Арабча тобе сўз + арабча ҳоким сўз** конструкциясидаги *вофий Юсуф 68v8, аввал айби 73v3, азиз ақли 76r9, охир амир 77r19, қодир тақдир 78v14, охир умримда 81r6; арабча тобе сўз+ туркий ҳоким сўз* конструкциясидаги *алийим Уган 76r17, мўмин қўллар 91r18, азиз элик 96v19, арабча тобе сўз+ туркий сўз ясовчи қўшимча олган форсий сўз* ёрдамида ҳосил бўлган *фақир зиндончи 91r11* каби бирикмалари қўлланган.

Туркий изофа. Асарда туркий изофа икки хил, яъни белгили ва белгисиз шаклларда қўлланган. Маълумки, туркий изофа қаратқич ва қаралмишнинг ўзаро грамматик алоқага киришувидир. Тартибга биноан, биринчи от қаратқич, кейинги от эса қаралмиш бўлади. Туркий изофа арабий ёки форсий изофалардан фарқланади. Изофий бирикмаларда аниқловчи ва аниқланмиш ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам бир-бири билан қаратқич келишиги орқали боғланади. Изофали бирикмалар вақт ўтиши билан турғунлашиб, турғун бирикма шаклига ҳам айланиб қолиши мумкин. Масалан: қўқон арава. Изофали бирикмаларнинг муайян қолипга кирган кўриниши эски ўзбек тилида ҳам учрайди: хуфтон намози, аср вақти каби (*Yuldashev T., 2004:40*). Асарда туркий изофанинг морфологик белгили ёки белгисиз шакли орқали ҳосил бўлган бирикмаларнинг қуйидаги конструкциялари аниқланди. **Қаратқич белгили** шаклда ҳосил бўлган **арабча от+арабча от** конструкциясидаги *мавлонинг алолари 65v11* (мавлонинг чексиз неъмат), *Ойшанинг қироъати 71v21, Юсуфнинг баҳоси 76v20, дуонинг маъноси 78r19, Сиддиқнинг дуоси 78v1, Одамнинг нафси 91v8, райиатнинг ҳосилин 92v13, Юсуфнинг ҳожибби 92v20, Юсуфнинг сирри 93r16, арабнинг одати 95v3; арабча от+арабча сон* конструкциясида *қиссанинг аввали 66r 10; арабча от + туркий сўз* конструкциясида *зулфининг лолалари 65v15, фироқининг ўти 69v1; туркий от+арабча от* конструкциясида *севмакнинг аломати 69r12, онасининг қабри 74r5* каби бирикмалар аниқланди. Шунингдек, асарда морфологик белгили изофанинг қаралмиши уюшиб келган *Мавлонинг фазли-ю карами 88v9* каби бирикмалар ҳам мавжудлиги аниқланди. **Қаратқич белгисиз** шаклда ҳосил бўлган **арабча от + арабча от** конструкциясида *маликлар малиги 63v2, жабборлар жаббори 63v2, Тангри аzza ва жалла қудрати 64r7, Миср мулки 65v14, Юсуф қиссаси 66r2/66r5/66r6/66r21, Ал-ҳамду сураси 66r14, Юсуф сураси 66r21, Миср халқи 66v20/67r1/75r4, олам халқи 67r7, солиҳлар жумласи 68r4, сабо нури 68v8, Юсуф фироқи 68v20, мавло тоати 66r8, Юсуф жамоли 71r10/86r15, дуо баро-*

кати 72v10, мавло қудрати 74v2, Юсуф барокати 74v10, Ҳалилulloҳ нафиласи 75v17, Юсуф хабари 75v21, суръат ниқоби 76r14, башиарият ҳижоблари 76r15, сиёдат кимёси 77v19, давлат тожи 78r20, Юсуф дуоси 78v2, Одам ридоси 79v7, Нуҳ асоси 79v8, Юсуф саломи 79v11, туш таъбири 79v20, олам балоси 80v11, Аzza ва жалла азоби 81v9, шариат ҳаққи 82v2, Аzza ва Жалла каломи 82v18, маъшуқ раъйи 82r19, Аzza ва жалла қудрати 83v4, Мавло аzza ва жалла ҳазрати 84v1, шайтон макри 84v12, Аллоҳ зикри 84v14, байт таржимаси 86r4/86r5/86r6/86r7/ 86r8/86r9, шайтон таъвиши 89r8, Мавло фазли 89r17/92v19, Райион маъноси 89r18, Юсуф таъбири 89v10, саволимиз жавоби 90r10, Юсуф шафоати 91v21, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) шафоати 91v21, малик хазинаси 92v19, қурайиш кофирлари 91v21, ишқ шериги 77v4 каби; **арабча олмош+арабча от** конструкциясида *баъзи қавлинжа 66r2; туркий от + арабий от* конструкциясида *қариндошлик жафоси 65v1, туш таъбири 66v18, Уган ҳукми 69r15, отам ҳаққи 70v3, Иди аzza ва жалла қазоси 78v14, эр ҳадди 79v19, кўрк закоти 82r17, ўзгалар миннати 89r17; арабча от+туркий от* конструкциясида *Меърож тунинда 67r3, Миср эли 70v17, сабоҳат қиличи 76v8, вилоят иши 92v15; арабча от+арабча сон* конструкциясида *қисса аввали 65v21; форсча от+арабча от* конструкциясида *зиндон халқи 89v14/ 91v15* каби бирикмалар аниқланди.

Жуфт сўзлар. Асарда кўплаб жуфт сўзлар қўлланган бўлиб, асосан “з” боғловчиси билан боғланган. Масалан: *хайл-у ҳашам 65r14, куфр-у ширк 66r19, тазвир-у ҳийла 69r7, изз-у жалоли 76v17, ҳаққ-у ҳурмати 76v17, ажзийб-у гариб 91v21, эъзоз-у икром 92r1, ҳукм-у қазо 93v8* каби.

Туркий изоҳловчи. Туркий тилларда изоҳловчи асосан от билан ифодаланиб, кишининг касби, унвони, мансаби, амали, лақаби, таҳаллуси, ёши, жинси ва ўхшашликни билдиради (*Utirqulov B., 2012:126*). Асарда *Иброҳим Ҳалилulloҳ 99r9* – Аллоҳнинг дўсти *Иброҳим, Исҳоқ Забиҳуллоҳ 99r9* – Аллоҳнинг қурбони *Исҳоқ, Яъқуб Исраилуллоҳ 99r9* – Аллоҳнинг кули *Яъқуб* каби изоҳловчили бирикмалар қўлланилиб, намуналардаги изоҳловчи сўз лақабни ифодалаган.

Арабий, форсий ёки туркий элементлар ёрдамида ҳосил бўлган изофа занжирли бирикмалар. “Қисаси Рабғузий” асарида соф форсий изофа воситасида ҳосил бўлган изофа занжирли **арабча от+форсий изофа+арабча от+форсий изофа+арабча сифат** конструкциядаги *қисса-и Юсуф-и Сиддиқ* (а.с.) 65r21, форсий ва туркий изофанинг белгили ва белгисиз шакллари воситасида ҳосил бўлган **арабча от+форсий изофа+арабча от+туркий морфологик белгисиз изофа+ арабча сифат-**

дош конструкциясидаги *авақибат-и умур таъвил* 66v19 ; **арабча от+форсий изофа+арабий от+туркий морфологик белгили изофа + арабча от** конструкциясидаги *азиз-и Мисрнинг эҳсони* 66v19 каби бирикмалар асарда кўплаб қўлланган.

“Қисаси Рабғузий” асаридаги арабий бирикмаларнинг синтактик таҳлили натижасида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин.

1. Асарда қўлланган арабий бирикмаларнинг тўрт синтактик гуруҳи аниқланиб, аксарият бирикмалар туркий ва форсий синтактик элементлар ёрдамида ҳосил бўлган бирикмалардир. Асарда араб тили қонуниятларини ўзида акс эттирган, баъзида тўлиқлигича араб тили қоидалари асосида ҳосил бўлган арабий бирикмалар кам миқдорда бўлса-да, учради.

2. Араб тилидаги сифатловчи аниқловчили бирикмаларнинг синтактик боғланиш усули туркий тилдан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли “Қисаси Рабғузий” асарида бу турдаги бирикмалар оз миқдорда учради. Асарда қўлланган мазкур бирикмаларнинг аксарияти атоқли отларни ташкил қилади. Тадқиқот манбасида аниқланган 11 та арабий сифатловчи аниқловчили бирикманинг еттисиси ўзида араб тили грамматик қонуниятларини сақлаган ҳолда қўлланган бўлса, қолган бирикмалар туркий тилга ўзлашиш жараёнида грамматик ўзгаришга учраган.

3. Асарда изофа шаклида қўлланган бирикмаларнинг атоқли отлар, диний, маиший, сиёсий ва иқтисодий мавзудаги турлари аниқланди. Асардаги атоқли отларнинг аксарияти *الله* - “Аллоҳ”, *ذو* (эгаси, соҳиби) - “Зу”, *عبد* (қул) – “Абд” ва *أب* (ота) – “Абу” сўзлари иштирокида изофа ҳосил қилган. Диний мавзудаги изофа бирикмалари асарнинг асосини ташкил этса, сиёсий мавзудаги арабий бирикмалар салмоқли даражада қўлланган.

4. Асарда арабий изофа занжири воситасида ҳосил бўлган иккита бирикма аниқланди.

5. Изоҳловчили бирикмаларда “*имом*”, “*шайх*”, “*малик*” каби изоҳловчиларнинг аниқлик артикли туркий тилга ўзлашиш жараёнида тушириб қолдирилган.

6. Асарда форсий изофа ёрдамида ҳосил бўлган бирикмаларнинг уч тури мавжуд бўлиб, соф арабий сўзлар иштирокида ҳосил бўлган бирикмаларнинг 5 та, арабча ва туркий сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган бирикмаларнинг 2 та, арабча ва форсий сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган бирикмаларнинг 1 та конструкцияси аниқланди.

7. Туркий битишув йўли билан ҳосил бўлган бирикмаларнинг 2 та конструкцияси аниқланди.

8. Асарда туркий изофанинг белгили шакли воситасида ҳосил бўлган бирикмаларнинг 4 та ва морфологик белгисиз қўлланган бирикмаларнинг 6 та конструкцияси аниқланди. Асарда туркий изо-

фанинг морфологик белгисиз шакли орқали **арабча от + арабча от** конструкциясида ҳосил бўлган бирикмалар салмоқли даражада қўлланган.

Демак, “Қисаси Рабғузий” асарида арабча изофа бирикмасига туркий тилда мазмун ва моҳиятан мос келувчи қараткич-аниқловчили бирикмалар кенг қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati. (1983) Toshkent.
2. Abdurahmonov, G'. (1979) Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis. Toshkent: O'qituvchi nashriyoti.
3. Abdusamatov, M. (1977) Fors tili. Toshkent.
4. Abdullaev, F. (1974) So'zlar o'zaro qanday bog'lanadi. Toshkent: Fan.
5. Abdushukurov, B. (2008) “Qisasi Rabg'uziy” leksikasi. Toshkent.
6. Alixonto'ra Sog'univ. (2007) Tarixi Muhammadiy (To'rtinchi nashr).Toshkent: “Sharq”.
7. An-naym. (2003) Arabcha – o'zbekcha lug'at. Toshkent.
8. Begmatov, E. (1985) Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. Toshkent.
9. Berezin, F.M. (1975) Istoriya lingvistichekix ucheniy. Moskva.
10. Grande, B.M. (2005) Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveshenii. Moskva: Izdatelstvo vostochnoy literaturi.
11. Ibrohimov, N. Yusupov, M. (1997) Arab tili grammatikasi. Toshkent.
12. Isaqova, Z.M. (2010) Alisher Navoiyning “Majolis unnafois” asaridagi ijtimoiy-siyosiy leksika. Filol.f.n.... diss., Toshkent.
13. Islom entsiklopediya (2017) Toshkent: “O'zbekiston milliy entsiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti.
14. Islomshunoslik qomusiy lug'ati. (2013) Toshkent.
15. Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. (2011) Qur'oni Karim va o'zbek tilidagi ma'nolari tarjimasini. Toshkent: Sharq.
16. Mayzel, S. (1957) Izafet v turetskom yazike. Leningrad: Izdatelstvo AN.
17. Nosiruddin Burhonuddin Rabg'uziy. (1990) Birinchi kitob. Toshkent: Yozuvchi.
18. Umurqulov, B. (2012) Hozirgi o'zbek tili. Termiz.
19. Xayrullaev, X.Z. (2001) So'z birikmasi va gapning predikativlikka munosabati. Filol.f.n.... diss., Samarqand.
20. Chetin, M. (2011) Hozirgi o'zbek va turk tillarida so'z birikmalari sintaktik derivatsiyasi. Filol.f.n.... diss., Samarqand.
21. Yusupov, M. (1983) Navoiyning prozaik asarlarida arabcha izofali konstruksiyalar. Toshkent: O'zbek tili va adabiyoti.
22. Yuldashev, T. (2004) Navoiy va Boburning islom farzlariga bag'ishlangan asarlaridagi shar'iy atamalarning lisoniy tahlili. Filol.fan.nom. ...diss., Toshkent.
23. Qoraev, T. Vohidov, R. (1978) Adabiy taxalluslar haqida. Toshkent.
24. Hakimov, D. (2004) O'zbek tili leksikasida izofiy birikmalar tizimi. Toshkent: O'zbek tili va adabiyoti.
25. <http://library.ziyounet.uz/ru/book/101736.html>. Omonov, M. “Boburnoma”dagi izofiy birikmalarning transliteratsiyasi.